





Марина ЦВЕТАЕВА

ТҮРТЛИКЛАР Туркумдан

Кўкдан кўз ёш каби илиқ бир ёмғир —
Томчи томчилади қоши долимга.
Унда, самовотда эзилиб, кимдир —
Йиғлайди ачиниб менинг ҳолимга...

Далага интилар яна бу кушча,
Қарамас у берган нону донингга,
Мен сени олгандим тупроқдан, лойдан, —
Қайтиб бор ўша лой ғамистонингга...

Тузокдаги кушдай — қалбимни
Сенга тутдим, ёрим, қайғуга қорма:
Ўғирлаб кетмасин бошқа йигитлар,
Ўзим учиб кетмай — қўйиб юборма!

Агар қай гўшада тўкилса кўз ёш, —
Мен кириб бораман, гўёки бир туш!
Мен — митти зарғалдоқ, овозим янгроқ,
Мен – ёмғирда ивиб келган тоза куш...

Сизнинг уйингизда бари қулфланган,
Фақат қалб очикдир, тўғриси.
Мен мол-мулкингизга тегмасман,
Мен – очик шу қалбнинг ўғриси...

Исёнчи эмасман — азиздир низом:
Дўстим, мени босиб-янчиб — кетдинг
йўлингда...
Балким, сен ўзингни қўлга олдинг-у,
Лекин чиқардинг-ку мени қўлингдан.

Эҳ — дунёга келаётганлар — қўлингиз
тугик, мушт:
Гўёки келгансиз жангга, шум тақдир!
Эҳ — дунёдан кетаётганлар — кафт очик,
бўм-бўш:
Олиб кетадиган ҳеч вақо йўқдир!

Халқингдан уялма, Россия! Эссиз...
Фаришталар асли — ялангоёқлар.
Этикларни олиб кетгандир иблис.
Энди кўрқинчлидир — этиги борлар!

Шундоқ, мени ерга топшираркансиз,
Шуни ёзинг қабрим тошига, — энди!
— «Кўшиқ-ла турарди, ётарди ёш-ла,
Ўларкан — тугади, дея қувонди!»

Сен менга бир ҳовуч ёқут тилардинг, —
Менга бир барг азиз – қайдан билардинг,
Сотиб ололмайсан олмосу пулга,
Мени олмоқ мумкин... бир атиргулга.

Сен мени саёқ деб атайсан, — ҳақсан,
Фақат, — бир нарсани билиб қўй бироқ:
Сендай бағритошга бағрим берганча,
Ўчоқда косовни ўпсам, яхшироқ.

Дераза ортида қадамлар.
Билмайман, нечадир вақт бу чоқ.
Асрангин, эй санам, азобдир -
Тун бўйи – қадамни санамоқ!

Остонам ортида қадамлар.
Келмади, чиқарма унингни.
Барибир келади ўша кун –
Кутавер охирги кунингни...
1919 — 1920

Карим БАҲРИЕВ таржимаси.



ЎЗБЕК АДИБИ ХАЛҚАРО АДАБИЙ МУКОФОТ СОҲИБИ БЎЛДИ

“The Gjenima prize” мукофоти 2004 йил “Инсоният манфаатлари йўлида битилган улуғвор сўзнинг юксак руҳи ва қудратига миннатдорлик ифодаси” сифатида ташкил этилган.

Ушбу нуфузли мукофот инсониятнинг бугунги тарихида ўчмас из қолдирадиган ва унинг унутилмас бўлагига айланадиган, кўзга кўринган бирор-бир адабий иш ёхуд кўп эътирофларга мушарраф бўлган асар учун ҳар йили жаҳоннинг янгидан-янги адибларига топширилади. Мазкур соврин Мэри Йе ва доктор Жек Маринай сингари адабиётшунос олимлару академик шахслардан иборат “The Gjenima prize” мукофоти кўмитаси томонидан тақдим қилинади. Қароргоҳи АҚШда жойлашган «The Gjenima prize» мукофоти кўмитасига «Mundus ArtiumPress» директори, “Mundus Artium” жаҳон адабиёти ва санъати журнали муҳаррири Жек Маринай раислик қилади.

“The Gjenima prize” — ҳомийлик маблағларидан келиб чиққан ҳолда маълум бир пул маблағини ўз ичига олган мукофот саналади. У ҳар йили ғолибнинг ўз Ватанида май ойида тақдим қилинади.

Хуллас, мазкур мукофотга бу йил халқаро ҳайъат аъзолари розилиги билан Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи

бўлиб ўзбекистонлик таниқли адиб Кўчқор Норқобил муносиб кўрилди ва тақдирлаш маросими Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига қарашли Ўзбекистон Давлат Санъат ва маданият институтида бўлиб ўтди. Тадбирда бир қатор актёрлар, шоир, ёзувчилар ва талабалар қатнашдилар. Маросимни таниқли актёр Муҳаммадали Абдуқундузов очиб берди.

— Адибнинг хорижий давлатлар нашриётларида босилган китоблари, босма ва электрон нашрларда мунтазам чоп этилаётган қисса ҳамда ҳикояларидаги тинчликни улуғлаш, башар тақдири учун қайғуриш, умуминсоний меҳр-муҳаббат ғояларига ўз халқининг буюк қадриятлари ва характери уйғунлашиб кетган. — дейди мазкур мукофот кўмитаси раиси Жек Маринай.

Ҳозиргача мазкур халқаро мукофотига куйидаги адиблар сазовор бўлган:

- 2004 йил – Мария Кристина Виланова (Гватемала);
- 2005 йил – Фредерик Тернер (Англия/АҚШ);
- 2005 йил – Жужанна Ожсват (Венгрия/АҚШ);
- 2006 йил – Констанс Рук (Канада);
- 2007 йил – Ольга Славникова (Россия);
- 2008 йил – Али Подримья (Косово);
- 2009 йил – Рауль Риверо Кастанеда (Куба);
- 2010 йил – Соломон Дересса (Эфиопия);
- 2011 йил – Стефанос Тассопулос (Греция);
- 2012 йил – Жек Хиршман (АҚШ);
- 2013 йил – Башир Копти (Фаластин);
- 2014 йил– Ана Бландиана (Руминия);
- 2015 йил – Радомир Андрич (Сербия);
- 2016 йил – Далан Лузай (Албания);
- 2017 йил – Пьетер Дрешай (Черногория);
- 2018 йил – Ева Муцкова (Словакия);
- 2019 йил – Порнпен Хантракул (Таиланд);
- 2020 йил – Гитеш Шарма (Ҳиндистон);
- 2021 йил – Чой Донхо (Корея) ва ниҳоят...
- 2022 йил бу рўйхатдан Кўчқор Норқобил (Ўзбекистон) ҳам жой олди.

Жек Маринай

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТНИНГ ЖАВОБИ МУҲАББАТУ ЗАКОВАТГА ЙЎҒРИЛ- ГАН АДАБИЁТДИР!

*Мукофотни топшириш маросимидаги
маърузаси*

Мен бугун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига қарашли Ўзбекистон Давлат Санъат ва маданият институтида сиз билан учрашиб турганимдан хурсандман. Сиз билан Қўчқор Норқобилнинг адабий ҳаётига тегишли байрамни биргаликда нишонлаш учун йиғилдик. Биласизки, у ўзига хос заковат ила мазкур санъатнинг илми ва кашфиётлари оламида бошқа сўкмоқларида ўзбекона изланишлари ила ўзбек адабиёти ривожига ҳисса қўшган адибдир.

Қўчқор Норқобил шарафи учун ўтказилаётган тадбирда иштирок этиш мақсадида мазкур адибнинг ижодига қизиқадиган ва унга ҳавас қиладиган сиз яқинлари ила кўришишни ният қилиб, дунёнинг нариги чеккаси, Америка Қўшма Штатларидан келдим.

Норқобил жаноблари ушбу йилда адабиёт учун “The Gjenima prize” мукофотини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Бундай халқаро мукофот инсоният манфаатларига хизмат қиладиган сўзнинг буюк руҳига миннатдорчилик рамзи саналади.

Мэри Йе билан биргаликда “The Gjenima prize” мукофоти комитетининг раиси сифатида фаолият кўрсатаман. Анъанага кўра, комитетнинг ваколатли вакили ҳамиша ғолибнинг мамлакатига ташриф буюриб, мукофотни шахсан топширади. Биз ёзувчининг асари нафақат Ватанида, балки Жаҳонда ҳам қанчалар муҳим аҳамиятга эгаллигини билдириш мақсадида ҳар қандай масофани босиб ўтамыз.

Қўчқор Норқобил ижодининг аҳамияти нафақат ўзбек китобхонларига, шу-

нингдек, бошқа миллатларнинг адабиётга бахшида этилган қалблар овозига маълумдир. Аини шу овозлар Қўчқор Норқобил номзодининг мазкур мукофотини қабул қилиши учун янгради.

Комитетимиз ҳам бунга зўр иштиёқ ила бу овозларга қўшилди. Шоир, ёзувчи ва драматург сифатида ўз виждони ва Ўзбекистон меросига ниҳоят даржада садоқатлидир ва у юксак мукофотларга арзийди.

Улкан изтиробларни бошидан кечирган адиб уруш даҳшатлари ва кўргиликларини Хемингуэй ва Толстой каби чуқур таҳлил қилади, унинг ижоди шу мавзудги юксак асарлар билан қиёсланмоқда.

У шоир сифатида аччиқ ҳақиқатга муҳаббат заковат нигоҳи билан қарайди. Адибнинг ўз фикрига қулоқ солсак: «Адабиёт — бу ўзликни англашдир, бор-йўғи шу!»

Ўзликни англаш, бошқалар ғамида яшаш, Қўчқор Норқобилга ғаройиб услубни шакллантирган ва уни Ўзбек, шунингдек, дунё адабиётининг буюк адибига айлантган. Айтиш жоизки, у бу ажойиб мамлакат учун хазина, ҳаммамиз бўлишадиган инсоният энг олий қадриятларини кадрловчи ҳамдир.

Марҳамат, 2022 йил “The Gjenima prize” адабий мукофоти ғолиби жаноб Қўчқор Норқобилни биргаликда кутлайлик.

Сиздан миннатдорман!

Таржимон - Шахноза РАҲМОНОВА





ЮРТИМИЗНИНГ АЛБАН ЎҒЛОНИ – ЖЕК МАРИНАЙ: ЎЗБЕКИСТОН – МЕН ДИЙДОРИГА МУШТОҚ ЯНГИ ОНА ДИЁРИМ

Доктор Жек Маринай албан-америка шоири, ёзувчи, жаҳон адабиёти бўйича адабиётшунос олим, таржимон, адабий танқидчи, сўнгги йилларда унинг 21-асрдаги адабиётга хизматини шуҳратини ўтган юз йилликнинг машхур шоири Пабло Нерудага қиёслашади.

У асосида фақат ижобий фикрлаш ва тинчликни мужассам этган адабий танқидчиликдаги протонизм назариясининг асосчиси. Бугунги кунда, Маринай шеърят, журналистика, адабий танқидчилик ва таржимачилик соҳаларида 25 дан ортиқ асарлар муаллифи. Адибнинг ишлари йигирмадан ортиқ тилларга таржима қилинган ва нашр қилинган.

Шоирнинг 1990 йилда босмадан чиққан асари Албаниянинг ижтимоий-сиёсий эволюциясига бағишлангани боис ҳам ижодининг муҳим жиҳати сифатида эътироф қилишади, айтиш жоизки, мада-

ниятли дипломат сифатида ўз Ватанида ва сарҳадларидан ташқарида ҳам қадрланади.

Жек Маринай Албаниянинг энг шаарафли “Миллат элчиси” деган маданий унвондан ташқари, ўз юртида Петер Арбнори номидаги мукофот лаурияти ҳам бўлган. Шунингдек, адиб инглиз адабиётидаги нуфузли мукофотлардан бири саналган Букерга: “Патронизм: амалиётдаги назария” (Protonism: Theory Into Practice) номли асари учун лойиқ топилган.

Шунингдек, у Жанубий Кореянинг Suwon KS ва Changwon KC номидаги халқаро адабий мукофотлари, Италиянинг Шоир халқаро адабий мукофоти ва Ҳиндистоннинг Дунё шоири мукофотининг лаурияти ҳамдир.

Жек Маринай Mundus Artium Press директори, Mundus Artium халқаро адабиёт ва санъат журнали муҳаррири Mundus Artium нинг Женима мукофоти комиссияси раиси. У Далласдаги Ричард Коллежида дарс беради. Америка фуқароси бўлган Маринай рафиқаси Дусита билан Техас штатининг Ричардсон шаҳарчаси атрофида истиқомат қилади.

Хорижлик шоир билан суҳбати мавзуи асосан Америка ва Ўзбекистоннинг маданий алоқалари, икки давлат ўртасида адабий кўприкларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани, адибнинг Ўзбекистонга ташрифидан асл мақсад ва ўзбек ёзувчиси Кўчқор Норқобил билан бўлажак учрашувига бориб тақалди.

Мархабо Бойматова: Май ойининг сўнгги ҳафтасида Ўзбекистонга кутилаётган ташрифингиз борасида хабар қилинди. Бунга атиги бир неча ҳафта қолибди... Билишимча, бу мамлакатимизга илк сафарингиз... Шундай экан, кўнглингиздан кечаётган ўйлар ва туйғулар билан ўртоқлашсангиз...

Жек Маринай: Ўзбекистон бетакрор тасаввурлар мамлакати. Мазкур юрт иждокор жамиятдан куч олади, десам янглишмайман. Шунини биламанки, бу ўлка мана шу қувватга қувват қўшувчи чинакам истеъдодлар ила сийланган. Дунёга машхур, истеъдодини бутунжаҳон тан олган адабиёт оламининг талантлари, шунингдек, талабалар, ўқитувчи ва ҳамкасбларимдан иборат жамоат билан учрашиш ҳақиқий ҳузурдир. Аллоҳнинг инояти ила, ажойиб вақтга, боқий таассуротларга ва мазмунли хотиротларга эга бўлишимга, янги кечинмалар билан иждодий ва шахсий ҳаётимни бойитишига ишонаман. Тақдир тоқозоси билан юзага келган имкониятдан теримга сиғмаётганимни яширмайман, тўғриси, бундан бошим осмонда.

МБ: Тақдир тоқозоси? Ажойиб иборани кўлладингиз, демак, Ўзбекистон сафаридан кўзланган ўзига хос режаларингиз ва мақсадларингиз бор кўринади...

ЖМ: (самимий жилмайиб) Тўғриси айтсам, бу хизмат сафари. Илк ташрифимнинг асл мақсади, машхур ёзувчингиз, драматург ва муҳаррир Кўчкор Норқобилнинг адабий ҳаётига алоқадор муҳим бир тантанани муносиб нишонлашдан иборат. Норқобил жаноблари 2022 йилда Женима адабий мукофоти лаурияти бўлди. Мазкур нуфузли мукофот инсониятнинг бугунги тарихида ўчмас из қолдирган ва унитилмас бўлагига айланган кўзга кўринган бирор-бир адабий муваффақият учун ёхуд кўпгина эътирофларга мушарраф бўлган қандайдир асар учун ҳар йили жаҳоннинг янги-янги адибларига топширилади. Хабарингиз бор, мен мана шу мукофот лауриятларини саралаш комиссиясининг раисиман. Анъанага кўра, ваколатли вакил сифатида Тошкентда ташкиллаштирилган маросим вақтида шахсан топширмоқчиман. Бу йил белгиланган

тахминий санага кўра, маросим 21 май кун 14.00да Алишер Навоий кутубхонасида ўтказилиши режалаштирилган. Яширмайман, айни дамда, Норқобил жанобларига мазкур халқаро мукофотни унинг оиласи, дўстлари, ҳамкасблари ва мухлислари даврасида топширмоқчиман.

МБ: Жек Маринаж исми шу чоққа қадар ўзбек талабаларига ва китобхонларига номаълум эди. Сўнгги пайтларда кўпгина маърузаларингиз ва мақолаларингиз “Китоб дунёси” адабий газетасида тез-тез пайдо бўлаётир. Бундан ташқари “46-Саҳифа” номли китобингиз бундан икки йил аввал чоп қилинган эди. Ижодингиз ўзбек китобхонларининг қалбини забт этди, десам янглишмайман. Сухбатни ўқиш бахтига муяссар бўлган мухлисларингиз юртимизга ташрифингиздан ва сиз билан шахсан учрашиш имкони насиб қилишидан ўзларидаёқ хурсанд бўлишларига ишонаман. Сизчи? Бу борадаги ботиний кечинмаларингиз билан бўлишсангиз...

ЖМ: Дунё бўйлаб маданият ва адабиётни уйғунлаштиришда таржиманинг аҳамияти ғоят муҳим. Шеърингиз китоб кўлига тушиб қолган ҳар қандай одам, эҳтимол, у қаҳвахонада ўтириб, иссиқ қахва хўплаётганда ёки поездда саёҳат қилаётганда ё автобусда юрганида ёхуд чиройли боғлару кенгликларда узала тушиб дам олаётганда бўлсин, мутолаага берилса борми, юзи ёришиб кетади, руҳи анчайин енгиллашади. Шеърингизда ана шундай куч бор. Айтишим керакки, ўзбек китобхонлари нафосату назокатни ўта чуқур англайдилар. Аммо каминанинг китобини кўлида тутган ўзбек китобхони, кўнглидан миллий маданиятининг нақадар бойлигию оҳанжамалигига кўнглида яна бир карра амин бўлишади. Бир неча ҳассос инсонларнинг ҳиссаси билан, албатта, шеърингиз маданиятингизнинг бир бўлагига айланганидан мағрурланаман. Тўғриси айтсам, имкониятдан фойдаланиб, китоб муҳар-

рири Хосият Рустамовага, таржимонлар Мирзоҳид Музаффар ва Одил Икромга алоҳида ташаккуримни изҳор этмоқчиман, бундан ташқари “Китоб дунёси”га ҳам, чунки улар мени ўзбек китобхонига танитишди. Айни дамда, Ўзбекистонда мени кутаётганлар билан учрашиш ва адабий саёҳатимдаги муҳим бўлаги ҳам уларга шахсан миннатдорчилик билдириш, шундай экан, ҳаётимдаги бўлажак ҳодисани сабрсизлик ила кутяпман.

МБ: Тўғриси айтганда, бетақроқ шоиримиз Хосият Рустамова сизга ўхшаган кўпгина шоир ва ёзувчиларини ўзбек китобхонларига таништирди. Сиз у кишининг шеърияти билан танишмисиз?

ЖМ: Шубҳасиз, Хосият Рустамованинг шеъриятини яқиндан биламан ва дунё адабиётига қилаётган хизмати, шунингдек, шахсан менга, шеъриятимга эътибор қаратиб, катта масъулиятни бўйнига олганидан ва бу оғир ишни ҳануз давом эттираётганидан миннатдорман. Айтишим керакки, Хосият ҳозирги замонавий Осиё адабиётининг қиёфаси. Назаримда, у оригиниал шоира. Рустамованинг шеърлари бугун бир қанча тилларга таржима қилинган ва адабиётшуносларнинг кўпгина эътирофларига сазовор бўлган. Шоирнинг муваффақият марказида унинг дунёга бўлган чинакам муҳаббати ўрин олган. Мен унинг муҳаббат ҳақидаги тирик тасаввурларига ишонман. Туйғулари ҳақиқий, қалби пок, шеърияти чинакам, йиғию изтироблари самимий... Бу чин муваффақият. Шеърларидаги абадий муҳаббати шоирнинг утопик олами ва қалбидаги ҳаёлий образга аталган. Шеърларию кундаликларининг асосий қисми муҳаббат, ҳаёлий ишқ ила чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай тажрибали китобхон Хосиятнинг Пушкин шеъриятини жонидан ортиқ кўришини фаҳмлаши қийин эмас. У Пушкин

асарларининг чанқоқ мухлиси.

Қаерга борса, уни ҳамиша ўзи билан олиб юради. Кундаликлари ва шеърларида Пушкин билан ҳаёлий гурунгларию тортишувларини ўқиганман, айтишим мумкинки, Хосият бутун ҳаёти давомида Пушкинни излаётган бутунжаҳон аёллари номидан сўзлайди. У ўз умр йўлдошида ва тирик тасаввурларида Пушкинни топган. Улуғ шоирга муҳаббати туфайли шеъриятининг кадри баланд, улардаги туйғулар жўшқин, менимча, ҳамма ҳам Пушкинни шундай севиши керак. Хосиятнинг шеърияти ўлмас, чунки муҳаббат деган туйғу ўлмасдир, тасаввур эса асло сўнмасдир. Айни шу боис ҳам бу шоирнинг муваффақияти тўхташ нималигини билмайди. У зулмат бурчакларларни ёритаётган нур ва шеърият учун қувонч булоғидир. Шубҳасиз, Хосиятнинг шеъриятини жаҳон севади. Ўйлайманки, кадрли синглим, омадли одимларини давом эттиради.

МБ: Ўзбекистонда яна кўплаб дўстларингиз борлигини биламиз. Айримларини ижтимоий тармоқлар орқали танигансиз, айримлари билан эса шахсан учрашгансиз. Мамлакатимизнинг яна қайси шоир, ёзувчи ва таржимонларининг ижоди эътиборингизга мушарраф бўлган?

ЖМ: Умрим давомида ўзбекларнинг кўплари билан шахсан кўришмаганман. Аъзам Обидов, Гўзал Бегим ва мен 2015 йилда Вьетнамда ўтган адабиёт фестивалида учрашганмиз. Кейинчалик дўст бўлиб қолдик ва ижтимоий тармоқлар орқали ҳануз боғланиб турамыз. Шунингдек, Шаҳодат Исахонова ва Хосият Рустамова билан Вьетнамда ўтган бошқа бир адабиёт фестивалида атиги беш дақиқалик нонушта вақтида кўришганман, улар бир-биридан тамоман фарқ қилувчи ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакиллари дир. Адашмасам, бу бундан тўрт йил бурун содир бўлган эди. Иккиси ҳам кадрли дўстларимга айланиб қолишди. Уларга нисбатан юксак

эхтиромим бор. Бўлажак ташрифим мен ижодини хурмат қиладиган яна кўплаб Ўзбекистоннинг шоир ва ёзувчилари билан танишишимга имкон беради.

МБ: Бир неча марта адабиёт бўйича Нобель мукофотига номзод бўлгансиз. Умид қиламизки, мамлакатимизнинг, ўзбек китобхонлари орасида ва сарҳадларимиздан ташқарида ижодингиз тарғиботи бўйича қилаётган ишларини кадрлашингизга ишонамиз. Мабодо яқин йиллар ичида мазкур мукофотга сазовор бўлсангиз, яъни аввало, биз бунга умид қиламиз... Шунингдек, кейинчалик ўзбек шоирлари ва ёзувчиларининг номзодларини мазкур мукофотга тавсия қилишда хайрихоҳлик билдирармидингиз?

ЖМ: Кўпгина вазиятларда мени кўлаб-қувватлаётгани ва ҳамиша умуминсоний ғояларимни кадрлаётгани туфайли Ўзбекистондан ва унинг ўзбек халиқидан миннатдорман. Ижодим маҳсули бўлмиш асарларимдаги фикрларимни китобхонларга тарғиб қилишда яқиндан кўмаклашаётган мутаржимлар, ноширлар ва муҳаррирларнинг барини кадрлайман. Айтишим жоизки, “Китоб дунёси” адабиёт борасидаги ғояларимни оммага тарғиб қилишда катта ҳисса қўшаётган муҳим нашрлардан бири. Нобель мукофотининг бир ижобий жиҳати бор. Маълумки, инсоният тамаддунининг такомиллашувига ҳисса қўшаётган жаҳон адибларидан бири адабиёт йўналиши бўйича унга лойиқ топилади. Бахтга қарши, ушбу нуфузли мукофот йилида атиги бир марта берилади, аммо жаҳонда кўлига қалам олиб, бу ишга бел боғлаган кўплаб машҳур шоир ва ёзувчилар бор, фикримча, ҳар бирининг ижоди тақдирланишга арзийди. Нобель мукофотига лойиқ кўрилган номзодлар қаторида бир неча бор эътироф қилинганим ҳақида кўпгина ОАВ хабарлари орқали тасдиқланган. Тўғриси тани олсам, ном-

зод бўлишнинг ўзи катта шараф, чунки бу бир қанча академик институтлар, адабий ташкилотлар ва ҳеч бўлмаганда, дунёнинг икки президенти асарларим дунёга ижобий таъсир кўрсатаётганини тани олганини англатади. Шунга қарамай, санаганларимдан ташқари, Нобель мукофотини кўлга киритишда ҳар қандай зўр ёзувчининг ҳам имкониятлари ғоят оз. Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, шундай жавоб қиламан: агар ғолиб бўлсам (бу ҳаётимдаги фавқулодда улкан ҳодиса бўларди), Ўзбекистондаги муҳим адабиёт вакилларининг номини, шубҳасиз, унутмайман. Ўзбек адабиёти жаҳон адабиётида муҳим ўринга эга ва ёзувчилари юксак эътирофга арзийди.

МБ: Мабодо бутун Ўзбекистондан ягона одам билан кўришиш ва кўпгина тадбирлар орасидан атиги биттасида қатнашиш имкони берилса, кимни танлаган бўлардингиз ёки қайси учрашувни танлаган бўлардингиз?

ЖМ: Ўзбеклар туғишган биродарларимдай гап, чунки бу юртдан чинданам кўпларни танийман. Улар орасида, айни дамда, ҳаётлари ҳам, ўтиб кетганлари ҳам бор, имкон туғилса, бари билан жонжон деб, суҳбат қургинг келади. Ўзбек спортчиларидан Азамат Нуфтуллаевни ҳамиша кўллаб-қувватлаганман. Мен кўп ўзбек ёзувчиларининг асарларини ўқийман, шунингдек, фурсат туғилгани боис Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид шеъриятига эхтиромим ғоят баландлигини билдирмоқчиман. Ўзбек кўшиқчиси Шохсанамнинг кўшиқларини эса тинглашни севаман. Шунга қарамай, бу ташриф давомида Кўчқор Норқобил жаноблари билан учрашувни танлаган бўлардим. Нафақат ёзувчининг ўзи ва асарлари боис, балки бўйнимга бу адибга Женима мукофотини топшириш сингари шарафли вазифа юклатилганини ҳис этганим учун...

акс ҳолда сафардан кўзланган мақсад адоғига етмай қолади, деган фикрдаман.

МБ: Бир қанча ўзбек нашрлари сизни Ўзбекистон ўғлони деб атайди (ҳатто одамларимизнинг бир қанчалари шундай ҳисоблайди ҳам). Сизга ва адабиётингизга нисбатан кўрсатилаётган бундай эҳтиром ва муҳаббатга нисбатан ёзувчи ва инсон каби муносабатингиз?

ЖМ: Бу шараф, сўзларим билан таърифлаб беролмасам керак. Бу менинг ёзувчилигимдан кўра, ўзбекларнинг меҳрибонлигию ғаройиб маданияти борасида кўп нарса сўзлайди. Менимча, бегонага муҳаббат ва меҳр кўрсата олган юртни сермулозамат ва андишали мамлакатлардан бири, дея оламан. Инсон сифатида кадрланишинг ва севилишинг баҳосини бирор нимага тенглаштириб бўлмайди. Илк марта эшитганимда титраганман, ҳатто ғоят таъсирланганман. Аммо шуни биламанки, мен ҳеч қачон шундай муҳаббат, қувонч, эҳтиром ва эътироф бадалини янги она диёримга қайтаролмайман. Аммо унинг умидларини оқлашда давом этаман ва бунинг учун кўлимдан келганини қиламан.

МБ: Ўзбекистон номини эшитганингизда хаёлингизга келадиган илк фикр?

ЖМ: Мен Албанияда туғилганим ва хаётимнинг катта қисмини Америкада ўтказганим билан ғурурланаман. Сизда шундай қараш бор: мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмас, мен ҳам Америка кўшма штатларида ўқидим ва касбий малакамни оширдим. Ўзбекистон ҳам энди бу икки мамлакат қаторига қўшилди. Ўзбекистон ҳақида эшитсам, кўз олдимга ноёб тимсолга эга мамлакат – Марказий Осиёнинг беш омад баргчаларидан иборат беда ўсимлиги эсимга келади. Шоирона тасаввурлар боис ҳар бир баргчанинг ўзига хос хислати бор. Илк барг – мен учун умидни ифодалайди, Ўзбекистон ва унинг халқи ҳамиша

тинч-тотув яшашига ишонаман. Иккинчи барг – Ислонга ва пок ҳаётга садоқат. Учинчи барг – Ўзбекистоннинг бутун дунё ва инсониятга ҳурматию муҳаббатини ифодалайди ва шу меҳр туфайли дунёни забт этади. Тўртинчи барг – омад ва қувонч тимсолини ифодалайди, ахир мен “Ўзбек ўғлиман” ва бундай номга яқинда сазовор бўлдим. Ниҳоят бешинчи барг – ҳаётнинг барча соҳаларида бу мамлакат ривожланишу модернизацияда давом этади, бунга ишонаман. Хуллас, Ўзбекистон – менинг дийдорига мушток янги Она Диёрим. Беш чегарасида беш давлат: Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон ва Туркменистон. Бу ахир омад! Атрофингда шундай дўстларинг яқин атрофингда жойлашгани бахт. Ўзбекистон юрагимнинг туб-тубидан ўрин олган ажойиб ўлка.

МБ: Она сайёрамизнинг энг машҳур замонавий шоирларидан бирисиз. Мазкур суҳбатга ҳозирлик кўраётганимда, кўп мамлакатларда, айниқса, Корея ва Озарбайжонда сизни “21-асрнинг энг етакчи шоири” сифатида эътироф қилишган, сиздаги шиддатни 20-асрнинг Пабло Неруданикига қиёслашади. Журналистлар ва адабий танқидчилар сизни ўтган юз йилликнинг кўзга кўринган шоирига тенглаштиришларига қандай қарайсиз?

ЖМ: Кўпгина шеърларимни унга бағишлагандим ва “Неруда билан Атлантика соҳилида” номли китобим ҳам бор. Мен унинг ташбеҳлари ва шеърӣ услубларини ёқтираман. Пабло Нерудани муҳаббат шеърятининг устаси. Бизнинг келиб чиқишимиз тамоман бошқа ва шеърятимиз ҳам бир-биридан фарқ қилади. Неруда метафора ва эҳтиросли ифодаларга мойилдир. Мен кўпроқ муболаға санъатига ва афсун қилувчи реализмни маъқул кўраман. Неруданинг энг кучли томони шеърӣ идеализмида. Та-

саввур эса менинг бадий мулким. Пабло Неруда Чили комуннистик партиясининг аъзоси ва коммунизмни қўллаб-қувватлаган. Мен эса Коммунизм ёхуд Социализмга тегишли ҳар қандай қарашларни тамоман рад қиламан. Шунга қарамай, Нерудага қиёслашгани ва кўпгина халқаро газеталар томонидан «21-асрнинг энг етакчи шоири худди 20-асрда Пабло Неруда бўлгани каби» тан олинишим мен учун бир улкан шараф. Биз дунёни ўзимизнинг услбимизда севамиз ва ишонманки, мабодо Пабло Неруда билан замондош бўлганимизда, ажойиб дўстлар бўлардик.

МБ: Бугунги суҳбатимиз шу ерда адоғига етишини истамасдим. Биз ҳали энди бошладик, мақсадимиз ўзбек китобхонларини Тошкентга келаётганингиздан бохабар қилишни кўзлаган эдик. Биз Ўзбекистонга келишингиз билан суҳбатимизни давом эттирамиз. Розимисиз? Тўғриси, сиз билан учрашувни сабрсизлик ила кутмоқдамиз. Омад ёр бўлсин. Омонликда кўришгунча!

ЖМ: Шаҳарлар, мачитлар, меъморий обидалар, диққатга сазовор жойлар, аммо фақат Ўзбекистон тақдим этиши мумкин ўзига хос гўшаларни кўришни орзу қиламан. Агар имконим бўлганида, Самарқандни зиёрат қилишдан бошим кўкка етарди. Регистон майдони, Ислом дунёсига хос архитектура санъатини, 15 асрнинг ажойиб мероси саналаган, ташқи қисми нақшинкор уч диний мактаблар биносини кўришни орзу қиламан. У ерда кўпгина маданий ёдгорликлар ва тарихий жойлар кўп, Ўзбекистондаги қисқа вақт мобайнида ўша қадамжоларни кўрсам, жон дер эдим. Суҳбат учун ташаккур. Тошкентда кўришгунча!

Инглиз тилидан Шаҳноза
РАҲМОНОВА таржима қилди.



Хаял РИЗО,
Озарбойжон

СЕНИНГ ЖИМЛИГИНГГА ҚУЛОҚ ТУТАМАН

Сенинг жимлигингга қулоқ тутаман,
Ичимда бўйнини букар саволлар.
Фарёдлари пинҳон сўроқларимнинг,
Йўлидан адашган минг жавоби бор.

Сенинг жимлигингга қулоқ тутаман,
Сукут – кўзларимнинг ёғишидайин.
Тилингда тош қотган барча сўзларинг
Номаълум ҳайкалнинг боқишидайин.

Сенинг жимлигингга қулоқ тутаман,
Билки, туйғуларим бераётир жон.
Ё бу дунё шундай яралгандир лол,
Ёки бу дунёнинг бор саси ёлғон.

Сенинг жимлигингга қулоқ тутаман,
Жим суҳбат курамиз узундан-узоқ.
Бори сўзларимнинг бошланиши – У,
Бор сўзим ўша лол қизгадир, бироқ.

Сенинг жимлигингга қулоқ тутаман,
Ичимда бўйнини букар саволлар.
Фарёдлари пинҳон сўроқларимнинг,
Йўлидан адашган минг жавоби бор.

* * *

1

Бу денгизда сузар ёлғиз бир кема,
Кемада одамлар қувнашиб борар.

Фақат, бир гўзалнинг мовий кўзёши,
Шопен ритми билан денгизга томар.

2

Шодланиб, ўйнашиб, кучоқлашишар,
Денгизни кузатар ҳар хурсанд инсон.

Бу кизнинг яшаган бори азоби,
Томчилаб кўзидан этилгач баён...

3

Гоҳ куёш ёндирар умидларин жим,
Гоҳ совуқ ул кизни айлайди ғариб.
Ҳар кўзин юмганда кўз очар чақалоқ,
Ҳар кўзин очганда кўз юмар қари...

4

Қанча кеча ботди, отди қанча тонг,
Лаҳзаларга ташлаб қармоқларини.
Тили шивирлайди бир сўзни оғир,
Кун санаб тугатар бармоқларини...

5

Бўронлар кўзғолар яна денгизда,
Кўринмас дунёнинг озод ўлкаси.
“Балки алдашгандир, омон қолган йўқ...”
Бўғади қалбини ҳасрат ҳавоси.

6

Бу денгизда сузар ёлғиз бир кема,
Кемада одамлар қувнашиб борар.
Унда бир гўзалнинг ҳорғин чеҳраси,
Ва фақат... муз каби эримас дард бор.

* * *

Мени секин кучоқладинг,
Қош-кўз орасинда тенг.
Чап кўксимга ўрнашдинг рост
Умр ўртасинда сен.

Келдим, кўрдим, ортга қайтдим,
Кўп вақтингни олмадим.
Сен мен учун чекдинг азоб,
Мен ҳам “менсиз” қолмадим.

Айрилмасам не бўларди,
Э-воҳ, эй Парвардигор?!
Бор кучимдир – топганларим, –
Ул чала қўлёзмалар.

Бир ҳикматнинг, айт, охири,
Шундай маънисиз битар.
Сўнг не топар дунёи-дун,
Нимасини йўқотар?

Москва-Боқу рейси,
Сўнгра ёттинчи осмон...

* * *

Бир сеҳрли оқшом бўлса –
Ичинда Ой пораси.
Очсам, топилса қани,
Кўзларингнинг қораси...

Кеча чўқар, зулумотга
Осасан Ой болани.
Унутилар ер юзининг,
Бор ҳақиқат, ёлғони...

Юлдуздай осмонингда,
Умиду бахт барқ урар.
Жисмингдан чиқар руҳинг,
Бу дунёдан қутулар...

ЗАҲРОМ

Қизим Заҳрога

Юзингда ишқ доғи бор – Заҳро,
Дардларнинг энг поқи бор – Заҳро,
Кўкдан тушган малаксан – Заҳро,
Дилга доим кераксан – Заҳро,
Кўзим ёшга тўларми – Заҳро,
Айт, малаклар ўларми – Заҳро,
Қанотларинг оппоқдир – Заҳро,
Сенинг ишқинг титроқдир – Заҳро,
Учиб кетдинг кўкларга – Заҳро,
Фарёдларим етмасга – Заҳро,
Мен ҳам Тангри қулиман – Заҳро,
Ишқнинг оппоқ қулиман – Заҳро,
Дунё кўзим ёшими – Заҳро,
Умр ҳақнинг тошими – Заҳро,
Юрак бўлғай кафаним – Заҳро,
Икки ёшли ватаним – Заҳро...

Озарбойжон тилидан Раҳмат
БОБОЖОН ўғирди.



ДМИТРИЙ БУРАГО

ШЕЪРИЯТ ҲАҚИДА КИЕВДАГИ СУҲБАТ

Шеърият ҳақидаги суҳбатнинг ҳеч қачон мавриди бўлмайди, чунки бугунги кунимиз ташвишлар-у, югур-югурларга тўла. Фақат алоҳида ҳолларда, инсон ҳаёт ва ўлим, муҳаббат ва дард-алам оралиғида ёлғиз қолгандагина умумий омма шовқин-сурони ичида бирдан унинг шеърий қобилияти ва шеърий нутқи уйғондек бўлади. Ёдингиздами, “Инсонлар ўлганда, кўшиқ куйланади” (В.Хлебников). Ҳа, айнан кўшиқ, оддий оҳангларда ўзларининг кундалик маъносини йўқотган сўзларга уйғунлашган сўз. Улар бир-бирига кўшилиб, ўзга, мутлақо бошқа маъно касб этади. Ва биз ҳаммамиз, дарё этагидаги олис гулхан атрофида йиғилганлар, шу кўшиқ билан лиммо-лим тўлгандек бўламиз гўё.

Бизгача етиб келган сўз, бизга қарата миллион-миллион тиллардан учган сўз, аждодларимизнинг юрак-юракларида етилиб келган, ва ҳозир бизнинг тилларимиздан учаётган сўз. Уларда қандай

сир ниҳон? У қандай туғилди? Унинг ҳар бир бўғинида қанчалар маъно бор, қанчалар ҳаёт бор! У билан нималар аталган ва унинг оҳангида нималар йўқолган! Қайси замонларнинг қандай шамоли етказди экан уни бизларга! Энди биз сўз айтиб, унинг замонлараро саёҳатини давом эттирмақдамиз.

Соя-салқин боғдаги усти тўкилаётган дарахт барглари билан қопланган стол ботаётган кузги қуёш нурларида ўз устида чойхўрлик қилганлар ёдига ғарқ бўлгандек...

Шеърият – бу ичингдаги, миянгдаги шовқиннинг уни ўчганда оғиздан учган, гапирилган, бошқа сўз билан уйғунлик касб этган сўздир.

Шеърият – бу инсоннинг дунёни бутунлигича, яхлит мажмуича, енгил ишоралар орқали англашидир.

Инсон сўзда ўз вақтининг бир заррасидагина мавжуд бўлади, кейин бошқа сўзга ўтади. Шу тарзда ҳаёт сўзларда ўтиб боради, ва сўзлар инсон вақтининг бир бўлагига айланади. Ҳар бир сўзнинг вақти – бу унга мурожаат қилган барчанинг уни талаффуз қилган вақтидир. Шу ҳолда сўзнинг вақти ҳар бир инсоннинг вақтига нисбатан қиёслаб бўлмайдиган даражада кўп бўлиши керак. Шоир эса ўз вақтини сўзлар уйғунлиги соясида яшаб ўтади, ўз вақтининг зарраларини маъносига жо қилган сўзнинг тобора янги қирраларини очади. Биз бўлсак, шоирнинг сўзларини такрорлаймиз, шу вақт биз унинг вақтига кўчиб, қачон чой дамланиши-ю, қошиқчаларнинг жаранги маймунжонли қиём мазасини эслатишини кутиш учун ҳозирлик кўраимиз. Шеърият доимо сирғалиб, чиқиб кетади, у бир хилликни ёқтирмайди.

Шеърият қоидаларни ҳосил қилади, аммо бошқа гал уларга бўйсунмайди. Шеърият инжик, у ҳамма ёқни эгаллаб олган вақт, ҳаммаёқ у билан тўлиб тур-

ган пайт, атрофдаги барча нарса унинг мадҳияларини бор овозла, баралла куйлаган он, у мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин.

Шеърят – бу тоғ чўққиси ва тубсиз жарлик, бу пастга қулаш ва юксакликка кўтарилиш, ёруғлик ва зимистон, ва яна тубсиз бўшлиқни ёритувчи ёруғлик: “...ва қоронғулик уни оғушига олмади” (Ин. 1:5). Аммо, кимда-ким ўзини шеърятдан юқори қўйса, ва ўзини унинг яратувчиси деса, ҳолига вой!

Шеърят – бу сен ўз – ўзинг билан ёлғиз қолган он, сен шунчалар ёлғизсанки, қуриб бораётган ўзанларнинг қисирлаши ва бош кўтариб чиқаётган ўт-ўланларнинг шивир-шивири-ю, айвонча ортидаги тонг қуёшининг заиф нурлари остида эриб бораётган қиров каби йўқолиб бораётган шаҳар шовқини ҳам қулоққа чалинган дамлардир.

Шеърят муссобақалашини ёқтирмайди, у севги каби, қиёслардан ташқарида мавжуд бўлади.

Шеърят энг муҳимини танлайди, унинг ўрнида эса бўшлиқни қолдиради холос. Бу бўшлиқни эса ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди.

Шеърят тухфагина эмас, у кўпроқ қисмат, сўзни рад этиб, ундан қочиб қутилишнинг иложи йўқ, у барибир ҳар оннинг бардош бериб бўлмас, кўзни қамаштирувчи нурида сени ёндиради, ёндираверади, адои-тамом қилаверади.

— Энди сиймолар, қофиялар, метрлар, эркин шеър ва гекзаметрлар, оҳанг, математика, риторика ҳақида гаплашишга уриниб кўрамиз...

— Яхши, — жавоб қилади шоир кузги сўқмоқдаги сўлғин дарах баргларини шошилмай, тўзғитганча одимлайди. Дарахтлар, уларнинг ортида яна дарахтлар...

— Келинг, шеърят ҳақида суҳбатлашамиз...

Шоир эса гулхан учун шох-шаббалар-

ни синдирганча, дейди:

- Қўйсангиз-чи шу изоҳларингизни! Қаранг, қандай кеча! Дарёга бир қаранг!

Қирғоқда ўтириб олганча, емак тайёрлашга тушиб кетади. Мана, суҳбат ҳам туғади. Нима қилиш керак? Ёнига ўтириб, дарёга тикилганча, ҳаёлот дунёсини кезишгина мумкин, холос.

Киев учта наҳанг устида туради. Биринчиси ғалаба тожини кийганча, тоғларни тираб турибди.

Иккинчиси – бутун шаҳар бўйлаб чўзилган Наҳанг оролини елкасида тутиб олган; дарахтлар унинг мўйлаби, думи Десна дарёсида, кўзлари эса кўприклар узра парвоз қилаётган булутлар.

Учинчи наҳанг устида Черниговнинг чап қирғоғи жойлашган. Эртаси, афсона.

Днепр ўртасидаги Тош Гоголь бир қарасанг, пешонасини сувга ботиради, баҳорга чиқиб, умуман букчайиб қолади, олтин кузда эса сўниб қолган тўлқинлар узра бош кўтаради: черковлар ялтирайди, қушлар парвоз қилади. кўприклар устида у ёқдан бу ёққа одамлар галаси ўтаверади, ўтаверади. Днепр Украинка узра тўлғонади ва тинади. Дарё бемор, бемор. Унинг ортидаги қир-адирлар унинг учун куядилар. Ўз қўшиғини тинмай шамолларга куйлаётган далалар ҳам... Гўзал Киевни нималар қилиб қўйдинг? Ўз дарёингни, мағрур, бўйсунмас дарёингни нечун ҳар томонга ёйдинг, ўзандан чиқардинг? Нечун бу тақдирни унга раво кўрдинг?

Шаҳар сукут сақлайди. Асфальт йўлакларини-ю, бетон уйлари билан сукут сақлайди. Фақатгина бандаргоҳларнинг темир арқонлари ғийқилламоқда, яна...ойналарда чироқлар ёниб турибди. Энди Шаҳар нима бўлади? Қир-адирларингни электр устунлар эговламоқда. Гумбазларинг титрамоқда. Нима бўлади сенга энди Киев? Киев сукут сақлайди, каштанлари-ю, сўнгги теракларини-ла сукут сақлайди. Киев, Киев!

Дарё сени текисликлар узра кўтарди. Дарё – сенинг вақтинг. Узундан-узун сўқмоқ йўллар татар адирларидан ястанганча, чўзилади. Подол трамвайлар шовқини ила ун чиқаради. Алп Шаҳар, Паҳлавон Шаҳар электр даврини, ташвиш ва югур-югурларга тўлган даврни кўтара олмаяпти, дарёнинг пинжиги тикилади, кўзларини қисганча, дарё сувларини кафтлари билан шопиради: «Оқавер Дарёлар шоҳи, мағрур Днепр! Қирғоқларга тўлқинларинг ур, мавжлан Днепр! Сувларингга зумрадларинг кўм!»

Днепр тубидаги наҳанглар Киевни ташлаб кетмоқдалар, Наҳанг орол ҳам кетар бир куни, кўприклар ҳам қулар... ва кун келиб каштанлар йўлакларга тўкилмай кўяр, келажак мегаполисининг ҳам номи ўзгарар, хатто адирлар ҳам бетон-ла қопланар, чап қирғоқдаги Лаврани ҳам энди кўролмассан – Наҳанглар кетар...

Шеърят шу шаҳардаги дарё каби – қуриб қолса, шаҳар ҳувиллаб қолади, чанқоқдан эмас, у дарёга тикилиб ўзини танигани каби, шеърятга тикилмоғи лозим. Шеърятсиз яшаб бўлмас, мавжудлик бўлмас, шеърларсиз яшаш мумкин, кўп нарсасиз яшаш мумкин, шеърятсиз мумкин эмас. Шивирлаб айтсанг ҳам жаранги оламини тутгувчи шеърят. Ва Днепр Киевни асрайди, шаҳар ўзига қайтади албат! Бетон ҳам унга бўйсунар, халқлар қувончга тўлар лиммо-лим.

Парвоз қил Алп шаҳар, Паҳлавон шаҳар! Асра ўз дарёингни, адирларингни, бор кучинг-ла асра! Кўнғироқдек овоз соҳибсан Киев, сенинг черковларинг даври келди Киев, ва тилимиздан тушмас шу калом – сенга шарафлар бўлсин, шон-у шарафлар!



Одил ИКРОМ

ШЕЪР ЙЎЛИНИ ШОИР ЭМАС, ШЕЪРНИНГ ЎЗИ БЕЛГИЛАЙДИ

Шоир ўз ашъорини ҳарчанд оқлаб-кораламасин, шеър эътибору этироф уммонидан “кўзасига яраша” сини олади, яъни олам гардишини ўзгартириб бўлмаганидек, қисматга битилган Қазо ҳукмини ҳам ҳеч қандай куч ўз истагига бўйинсунди-ролмайдди. Шу йўсундан олиб қараганда, ўзбек шеърхони учун тақдим этилаётган Жек Маринай ашъорини сира иккиланмаган ҳолда, нафақат даража-мақоми, балки толеи баланд шеърлар, деб баҳолаш – жоиз.

“Баҳорнинг яшил бармоғи эшигини чертиб ўтиш баробарида хазоннинг хазин қароғи ичра руҳи аксланиб” турган шоирнинг шеърлари билан дастлаб “Китоб дунёси” муҳарририяти, хусусан Хосият Рустамова тавсия этган бир туркум шеърлари, кейинчалик эса, бевосита инглиз тилидан Мирзоҳид Музаффар ўтирган сўзма-сўз таржималари орқали танишдим... Ростини айтсам, соат милларидек узун-қисқа оёқлари билан тўзғоқ қиёфада ўзбек шериятига қачондир ийманиб кириб келган Сарбаст вазнининг

салмоғи, вазни бормикин, оҳанг билан тили чиққан, ғуссаси ҳам, сурури ҳам оҳанг-ла омухта Шарқ одамнинг қўнглидаги оламда замонавийлик “ниқоб”идаги бу ходиса ўзини то ҳануз ғариб-мусофирдек ҳис этмасмикан, деган ўйларим йўқ эмасди. Аммо шоир шеърларининг мутолаасидан сўнг, сўзма-сўз таржималарга, озроқ бўлса-да, сайқал бериш жараёнида – шеър умрининг безаволлигини фақат шаклу оҳанг белгиламаслигига, умуминсоний дарди, йўлда йўлдош учун аталган мазорбости, эзгу тилаклари бор амриқолик шoirнинг ўзга юртларда ҳам шоир эканлигига яна бир бор иқрор бўлдим.

Шарқ-у Ғарб шеърятининг энг ёрқин анъаналарини маҳорати, услуби, ҳолати, кайфияти, тасвир-ташбеҳлари, рамзу ишораларида жонлантирилган ва уларга янги шакл билан бирга ўзгача мазмун бахш этилган Жек Маринай “дилининг чилпарчин ойналаридан кўришиб тургувчи” ҳисларни ҳис этиш ўзбек китобхони учун зарур ва завқли бўлади, деб ўйлайман.



Шаҳноза РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси

КЎЧҚОР НОРҚОБИЛНИНГ РЕАЛИСТИК ОЛАМИ

Адабиёт нима? Эсимни таниганимдан буён шу ҳақда ўйлайман. Сўзга ишқим тушган кун, адабиётни гўзаллик, деб билдим, энтиқиш, туйғу, муҳаббат, хуллас, дунёда нимаики нафис кўринса, мен учун бари адабиёт эди хаёлимда; нафосат оламининг энтиқишлари мени ана шундай бахтли қиларди, шу тариқа орзу қилишни ўргандим. Аммо фақат орзулар оғушида, беғубор дунёда яшаб бўлармикан? Одамлардан яширадиган қобик ичра, ўзинг яратган утопик оламда бахтиёрликда кун кечириш, абадий саодатга етиш мумкинми? Аммо ҳар сафар реализмга тўқнаш келганинда, ўша дунёнда қиролича эмас, нақадар ҳакиру фақир фуқаро, бахтиқаро бир инсон эканлигини туясан. Ҳақиқат алдовлар ичра яшаганингни англаганида, унинг аччиқ таъмидан шу қадар ўзлигини англай-

сан-ки, атрофда рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини энг майда зарраларига қадар кўришинг мумкин бўлади. Улғайганинг сари адабиёт хаёл эмас, ёлғиз орзуо туйғулардан мужассам эмаслигини англайсан, ёзувчи ё шоир дегани фақат ўз энтиқишларию оҳ-воҳларига қоришиб, қаро заминдан олис утопия фуқароси эмас, деган тўхтама келасан. Унда реализмнинг аниқ чегаралари дунёнинг сен кўришни истамаган, ўша қийшиқ ва ёвуз башарасини асл ҳолича кўрсатиб туради. Қўчқор Норқобилнинг адабиёти ана шундай оламдир. Бу оламдаги ранглар, тасвирлар, сўзлар, воқеалар ривожу кескин бурилишлар, дунёни ниқобсиз ҳолда кўрсатишга қодир, бироқ уни ана шундай ҳис қилиш, реалистик моҳиятга тикка боқиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Чунки ўша дунёнинг бир бўлаги Сиз, демакки, у яратган ҳақиқатда улушингиз бор. Улушингиз эса айни кўришни истамай, кўзларингизни чирт юмган ҳолда, фиғонларни эшитмаслик учун қулоқларни беркитиб, утопик оламингизда кар-соқов яшашни афзал кўриш, бефарқлик дардига мубтало бўлганингиздир. «Дарё ортидаги йиғи», «Ер ҳали ҳам юмалоқ», «Уруш сурати», хуллас, қатор қиссаю ҳикояларидаги уруш картинаси аслида биз яшаётган оламнинг реал қиёфаси эканлигини ҳаммамиз биламиз, бироқ тан олишга келганда...

Қўчқор Норқобилнинг адабиёти ана шундай моҳиятдан олисламаган, биз – бефарқларни даволашга уринаётган малҳам, кўзларимизга инган абадий мудроқни ҳайдашга уринаётган ва сергакликка чақираётган кино тасмалари, қулоқларимиз остида жаранглаётган ҳақиқатнинг акс-садоси, биз айтолмаёт-

ган аччиқ реализмнинг сўзлари... Қочишга уринманг! Фожиа ҳаммага тегишли, чунки бу бизнинг дунё!

Хуши учар заминнинг,
Зириллаб тўзғир ҳаво...
Қулар ярадор тоғлар
Замбил ахтарар дунё...

Чинқиради майсалар --
Тўйиб кетди жонидан.
Бир хўплам қон томмоқда
Осмоннинг Сувдонидан.

Тонг саҳар “Уруш ҳақидаги баллада”ни телефонимнинг экранда Фэйсбукдаги ёзувчининг саҳифасида ўқиб тургандим, ногаҳон телевизор экранда ярим юзидан айрилган украиналик қизга қизим тушди-ю, бундаин икки муштарақ ҳодисанинг, тасодифий уйғун ҳолда бирлашганидан танг қотиб қолдим. Мана, адабиёт! У мени уйғотди! Сўз ана шундай уйғотиш кучига эга! Битта одамни, миллатни, дунёни! Гўё ўн олти яшар қизалоқнинг кўзларида қотган ёшга ёзилгандай эди бу. Мен яна бир бора урушнинг қиёфаси ўзгармаслигини англадим. Қулоқларимга Украина заминларида жон бераётган минглаб бегуноҳлар, Ғазо секторида чирқираётган фаластинликлар ва Хитойнинг қайта тарбиялаш калонияларида уйғур бородаларимнинг фарёдларини эшитгандай бўлдим.


Айтинг-чи, замонавий урушнинг башараси, Қўчқор Норқобилнинг Афғон заминида ҳамон адоғига етмаган, хануз болаларнинг болалигидан, қизларнинг гўзал қиёфасию иффатидан, келинчакларнинг эридан, оналарнинг боласидан айираётган бахтиқаро халқнинг азобларидан нимаси билан фарқланади? Мазлумларнинг нолаларини эшитмай тинчгина яша-

япмиз, аммо ёзувчининг чарчоқ билмас калами, унинг бу ишни удда қилолмаётганидан дарак беради, чунки адиб дунёнинг ниқобсиз тажовузкорона башараси ила тўқнаш келган ва бошқа қиёфаларига алданмайди, истаганида ҳам алданолмайди. Қўчқор Норқобил биздан фарқли ўлароқ, утопик оламнинг қобикларига ўраниб олмаган, аксинча, жангоҳлардаги ҳар бир мазлум ила бирга уқубат чекади, бундай адабиётга на ортиқча жимжима, на фалсафа ва на безак керак. Боиси ундаги денгизларда сув эмас қон оқади, миноралари тепасида азон эмас, урушга чорловлар эшитилади; бу оламда муסיқа йўқ, снрядларнинг овозлари тинмайди, осмонда қушлар ўрнига қирувчи самолётлар учади, жонсиз таналарга эса кафан насиб қилмагай, қабрлар ўрнига окоплар қазилади, тобутга кўтариб сўнгги манзилга кузатишлар йуқ, минглаб таналар ному нишонсиз бир ўрада кўмилади; аллалар ўрнига эса оналар фарёдлари эшитилади, қариялар жигаргўшалари ортидан бўзлаб қоладилар, оталар ўғил ўрнига устунларга суянадилар, келинчаклар эса ёстик қучиб йиғлашади, болалар эса опичлайдиган кучли елкаларнинг нималигини англамай ўтадилар ёки соғинадилар ёхуд бир бўлак нон учун минг азобларга қамокдаги маҳкумларга айланишади. Қўчқор Норқобилнинг адабиёти ана шундай тирик кечинмалардир. Энг асосийси шуки, адиб дунёни ана шу қийшиқ қиёфасида севади, уни инсофга чақиради. Биз-чи?!

“The Gjenima prize” мукофоти ана шундай ўзига хос адабиётга берилгани, ҳеч қайси замонда ўз актуаллигини йўқотмаган уруш мавзусининг нақадар жиддийлигини англатади, менимча.

Уруш фалсафаси – эскирмас ва ўзгармасдир! Аммо яна шуни ҳам туяманки, бу мукофот ёзувчининг жанг майдонларидаги кечинмалари ва абадий йўқотилган ҳузур-ҳаловатнинг бадали ҳам, мукофоти ҳам эмас, менимча. Ишонинг, ҳар қанча қувончли бўлмасин, бу қийноқлар, изтироблар, минг азобда ўтадиган уйғоқ кечалар жойини тутмайди. Шундоқ бўлса-да, ёзувчи учун ана шундай оғир қисматнинг берилгани Яратганнинг мукофоти аслида. Минг ҳаётга қайта келганда ҳам, барибир адиб ўзига ана шундай тақдир танларди. Ўзига шукр!

Айни дамда, бир гапни айта оламан! Мукофот муборак, Қўчқор Норқобил! Бу адабиётингизнинг асл рангларини яна бир қарра жаҳонга кўрсатиб қўйди.



Муассислар:

**«Тафаккур булоғи» МЧЖ
«Китоб дунёси» газетаси,
Muzaffar.uz — маънавий-маърифий,
хуқуқий ва ахборот веб сайти**

Ижодий жамоа:

**Бош мухаррир:
Музаффар МУҲАММАДНАЗАР**

**Масъул котиб:
Гулрух ЁРМАТОВА**

Тахрир хайъати:

**Хосият РУСТАМОВА
Абдукаюм ЙЎЛДОШЕВ
Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ**

**Мунаввара УСМОНОВА
Сирожиддин РАУФ
Қўчқор НОРҚОБИЛ
Зулфия МЎМИНОВА
Феруза ОРИПОВА
Нилуфар ЖАББОРОВА
Дилфуза ШОМАЛИКОВА
Ҳафиза ҚЎЧҚОРОВА
НЕЪМАТ АРСЛОН
Дилафрўз АБДУСАЛИМ қизи**

Ижодий ҳамкорларимиз:

**«Саодат» журнали,
«Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока»
журналлари,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»
газетаси,
«Инсон ва Қонун» газетаси,
«Хуқуқ ва истеъмолчи» газетаси.**

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан оммавий
ахборот воситаси сифатида «Китоб
дунёси» маънавий-маърифий, ижтимоий
сиёсий газетаси 26.01.2012 йил № 0258,
Muzaffar.uz маънавий-маърифий, хуқуқий
ва ахборот веб сайти 19.05.2017 йил
№1171-сон билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-6122**

УШБУ СОНДА:

Марина ЦВЕТАЕВА

**ЎЗБЕК АДИБИ ХАЛҚАРО АДАБИЙ
МУКОФОТ СОҲИБИ БЎЛДИ**

ЖЕК МАРИНАЙ

Хаял РИЗО

ДМИТРИЙ БУРАГО

Одил ИКРОМ

Шаҳноза РАҲМОНОВА

Феруз НЕЪМАТУЛЛАЕВ

**Биринчи муқовада - Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган журналист, адиб ва
драматург - Қўчқор Норқобил ва ал-
бан-америка шоири, ёзувчи, жаҳон
адабиёти бўйича адабиётшунос олим,
таржимон, адабий танқидчи Жек Ма-
ринай.**

Бичими: А 4 .

**Буюртма рақами: 3
Адади: 1017 нусхада
«Век print» МЧЖ
босмахонасида
чоп этилди. 2022 йил**



Феруз НЕЪМАТУЛЛАЕВ

БИР ДАҚИҚА...

Мен жуда бахайбат, мен жуда улкан,
Сўздирман сиғмаган ҳеч бир оғизга.

Узун – улкан ул ўлка – кўлкам,
Қовоғим қор – қўнган тоғ узра.

Қанчалар оғирман, бўғзим кўзлаган
Дор – ўзимнинг сочим – оммабоп.

Бу вужудда жой йўқ ўзгага,
Бу вужудда мен йўқ – ҳамма бор...

БЕТОБЛИГИМ

Шифтга термуламан...

Ўзга чора йўқ...

Тинглайман соатнинг мунгли бонгини.

Хужайрам рангига белайди уфк

Шифтнинг отаётган тонгини...

Кушлар кун дардида...

Одамлар...

Итлар...

Тўшак чангалининг бағрида
Шифт ётади бемажол, битлаб...

Йўқ элитмас,

Йўқ, йўқ, у бедор,

Бир нуқта – бир умр нигоҳи.
Вужудидан севинч шашқатор
Шифт қўйнига келади оқиб...
Вақт оқими вақтни унутган...

Ўлим!

Бунча ўлим севмасанг?!

Тупроқ каби қўнади шифтга
Кипригимда урчиб ётган чанг!

Куйлаб шууримнинг онгини
Термуламан... –

Ягона ҳуқуқ!

Шифтнинг отаётган тонгини

Кўзларимга

Белайди

Уфк...

(чин ҳазил)


Жаримангни пешонамга ёз!

Миршаб, курагимга ёзгин истасанг.
Жарима – шеър, шунчаки саёз...
Миршаблар ғазнабон каби шеър ясар.

Қандай гўзал, қандай фаросат –
Сотиб қўйдим чатоқ тилим туфайли.
Шеър ҳам одам – ўзини осар
Доим, осганда ҳам қўлтиғдан, майли.

Ёзиқ – мозий хуржуни тўла,
Фуқаролар дўнар муҳрга – йўққа.
Ёв ушбуда топмаган ўлим –
Ҳар ким ўз киндигин қонини тўккан.

Чакам ортиб нимага татир?
Бир туркум ёзилган шеъринг етади.
Нетай, дўстим, йўқдир хужжатим
Киндиклар урчиган бу харитада.



**Франко ЛЕОН,
италиялик шоир**

**БУГУН ЎЗ ШЕЪРИНИ
ЎҚИР САМАРҚАНД
(Самарқандга)**

Бир қадим афсона айтаман, тингла,
Дарёларда ювилар сўзим.
Тонглар уйғонади мовийлик узра,
Тонглар тарих билан очади кўзин.

Шафақлар ёритар қарвонлар йўлин,
Самарқанд – юлдузларни
ортар елкага.
Миноралар ҳамон ғурурга тўлиб,
Зеб берар уйғонган ўлкага.

Йўллар тебранади мовийлик узра,
Мозийдан келади хабарлар.
Дунёга кўрк бериб ўйчан овозда
Бугун ўз шеърини ўқир Самарқанд.